

O'zbekiston Respublikasi  
Xorazm viloyati  
Boғot tumani  
НОКИМИ  
ҚАРОРИ



Ўзбекистон Республикаси  
Хоразм вилояти  
Боғот тумани  
ХОКИМИ  
ҚАРОРИ

220200 Боғот шаҳарчаси Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Tel:31-52-807, faks:31-52-425

2020 йил «4» Март

№ 471а

Боғот шаҳарчаси

Нусха № 1

Фуқаро Рўзметова Онажоннинг  
турар жой биносига бўлган эгалик  
хуқуқини белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Бўка” маҳалласида яшовчи фуқаро Рўзметова Онажоннинг “Бўка” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик хуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 28 январдаги ХО-Р-252-сонли аризасини, 2019 йил 27 сентябрдаги Қурилиши (реконструкцияси) тугалланган якка тартибдаги турар жойни фойдаланишга қабул қилиш далолатномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2020 йил 21 январдаги № 242-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Боғот туман ҳокимининг 2014 йил 28 апрелдаги № 682к-сонли, 2017 йил 25 августдаги № 1827к-сонли қарорларига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:


1. Боғот тумани “Бўка” маҳалласида жойлашган 10 (ўн) та хонадан иборат, яшаш хоналари 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 59,40 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 6 (олти)та бўлиб, ички ўлчами 122,09 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 181,52 квадрат метр, қурилиш ости майдони 244,77 квадрат метр, умумий ер майдони 1300,0 квадрат метр (умумий ер майдони 1643,70 квадрат метр бўлган ушбу турар жойнинг белгиланганидан ортиқча бўлган 343,70 квадрат метрдан вақтинча фойдаланиш - ушбу вақтинчалик фойдаланиш мақсадида берилаётган ер майдонини давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун қайтариб олиш шарти билан) ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Рўзметова Онажонга мулк хуқуқи асосида унга эгалик хуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Рўзметова Онажонга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда шунингдек, вақтинча фойдаланишга берилаётган 343,70 квадрат метр ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланса Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Рўзметова Онажонга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Матякубов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими**



**О.Холбоев**